## МАМЛАКАТ бўйлаб

# Тенгдошлар мулоқоти

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташкил этган «Истиқлол карвони» марафони қатнашчилари Қашқадарё вилоятига ташриф буюришди.**

«Мустақиллик: мен ва имкониятларим» мавзуида Ғузор туманидаги маиший-хизмат коллежи, Деҳқонобод туман марказий касалхонаси, Муборак касб-ҳунар коллежи, Косон шаҳридаги ёшлар ижтимоий хизмат марказида ташкил этилган учрашувлар жуда қизиқарли ўтди.

Марафон иштирокчилари Қарши шаҳрида яқинда қуриб битказилган «Ёшлар маркази»да бўлиб, унинг меъморий ечимлари, ташкил этилган турли-туман тўгараклар ва ўқув марказларининг иши билан танишдилар.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Компьютер огоҳлик хизматида

***Қорақалпоғистон Республикасининг овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган милиция таянч пунктлари замонавий информатика ускуналари билан жиҳозланмоқда.***



Яқинда Қангликўл туманидаги 4 та милиция таянч пунктларига энг сўнгги русумдаги компьютерлар келтирилди.

— Жами 100 та милиция таянч пунктлари компьютерлар билан жиҳозланади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Ўринбой Турдақов. — Энг муҳими, таянч пунктлари маҳалланинг мулоқот масканига айланиб бормоқда!

**Я. ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Бойитилган ун — саломатлик гарови

***Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган семинар Президентимизнинг "Унни бойитиш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросига бағишланди.***

Анжуманда сўз олганлар мазкур Қарорнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, инсон танасидаги камқонлик, темир моддаси танқислиги каби хасталикларнинг олдини олишнинг энг мақбул йўли унни бойитиш эканлигини таъкидладилар.

Семинар қатнашчилари Самарқанд ун комбинатида бўлиб, унни бойитиш жараёни билан танишдилар.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Импорт ўрнини босади

***«Қўқон мотор таъмирлаш» корхонасида турли русумдаги автомобиллар двигателларининг муҳим қисми — гильзалар тайёрлана бошланди.***



Юртимизга асосан четдан олиб келинадиган бу эҳтиёт қисмлар корхона қошида ташкил этилган «Қўқон картер плюс» унитар корхонасининг илк маҳсулотлари ҳисобланади. Корхонада янги замонавий чўян эритиш қозони, сўнгги нусхадаги дастгоҳлар ўрнатилгани янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берди. Муҳими, унитар корхонанинг ишга туширилиши туфайли 50 дан зиёд ёшлар доимий иш жойига эга бўлдилар.

**Н. СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ноёб топилма

***Ал Ҳаким Термизий мақбараси ҳудудидан араб (куфий) ёзуви битилган олтин пластинка топилди.***

Афсуски, пластинканинг ёзув бошланган қисми синиб қолган. Ушбу буюм тахминан тугма ёки тумор устига қопланган ғилоф бўлиши мумкин. Куфий ёзуви ва рақамларга қараганда ва Термизий археология музейи мутахассислари фикрича, пластинка 125 ҳижрий-743 мелодий йилда, яъни Хуросонда ал-Валид ноиб бўлган даврда тайёрланган бўлиб, бўйи 6 миллиметрни, эни 7 миллиметрни ташкил этади.

— Термизнинг бир ҳовуч тупроғидан неча минг йиллик тарихни ўқиб олиш мумкин, — дейди музей директори Исмоил Ботиров. — Тупроқ остида қолган эски Термизда сув ютгич (канализация) иншоотларининг мавжуд бўлгани бу ерда қадимдан шаҳарсозлик маданияти юксалганидан далолат беради.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Ромстар» ҳиммати

***Ромитан туманидаги «Ромстар» қўшма корхонаси йилига 650 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга.***

Корхона ўтган бир йил давомида ўн олти минг нафар касаначини иш билан таъминлади. Тайёр маҳсулотларнинг Эрон, Вьетнам, Туркия, Сингапур каби мамлакатларга экспорт қилинаётганлиги бу ерда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш имконини беряпти.

Айтиш жоизки, қўшма корхона Қалайчорбоғ қишлоғидаги 13-мактабни таъмирлаш, қишлоқдаги болалар боғчасига ҳомийлик ёрдами каби хайрли ишларга ҳам бош-қош бўлмоқда.

**«Туркистон-пресс».**

# Арзон ва сифатли

***Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги "Мирзо Эсон" хусусий корхонасида замонавий хориж технологияси асосида шифер ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***

Натижада йигирма нафарга яқин киши иш билан таъминланди.

— Воҳада бу турдаги қурилиш материалига эҳтиёж катта, — дейди хусусий корхона раҳбари Рустам Иноятов. — Корхонамизда тайёрланаётган арзон ва сифатли шиферга буюртмалар сони ошиб бораётганини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш жойлари яратишни режалаштиряпмиз. Ҳозир маҳсулотимиздан туманларда қад ростлаётган таълим муассасалари ва уй-жой қурилишида фойдаланилмоқда.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТИНЧЛИК ВА ФАЙЗУ БАРАКА ТИМСОЛИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Турфа гул-чечаклар қийғос очилган хиёбон, келин тушган ҳовлидек саришта йўлаклар бўйлаб қадам ташлаганингиз сари ўзингизни янада тетик ва бардам ҳис этасиз. Бу бежиз эмас. Чунки майдон ўртасидан ўтган бу йўлак сизни қучоғидаги фарзандига меҳр тўла кўзларини тикиб турган бахтиёр Онанинг нурли сиймосига, яъниким қалби эзгуликка лиммо-лим, мунис ва мукаррам ўзбек оналарининг тимсолига рўбарў қилади. Фарзанди учун жони-жаҳонини нисор этишга тайёр ҳолатда ишланган ушбу монументга тикилиб туриб, умри меҳнат билан ўтган ширинсўз, чеҳрасидан нур таралиб турадиган онажонингни кўргандек бўласан, киши.

Бахтиёр она сиймоси қаршисида беихтиёр ўйга чўмаман. Юртимизда юз бераётган оламшумул янгиликлардан, ўсиш-ўзгаришлардан, ҳар бир они тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битишга арзийдиган бугунги нурли-нурафшон кунларимиздан фахрланиш ҳисси вужудумни қамраб олади. Шу топдаги кечинмаларимни, туйғуларимни, ҳаяжонларимни юртдошларимга сўзлагим, айниқса, Президентимиз раҳнамолигида, бунёдкор халқимиз иродаси билан амалга оширилаётган тарихий, унутилмас ишларни айтиб, суюнчи олгим келади.

Дарҳақиқат, она Ватанимиз пойтахти бўлмиш азиз Тошкент — қутлуғ маскан, фахр-ифтихоримиз! Ҳар бир гўшаси, кўзга яқин ҳар бир биноси, йўли, кўприги, халқимизнинг улкан салоҳиятидан, беқиёс имкониятидан, бағоят нозик диди-ю ақл-фаросатидан, бетимсол ижодкорлигидан, ғайратидан, азму шижоатидан гувоҳлик берадиган, ўз ҳусни-малоҳати билан кўнгилларни тўлқинлантирадиган суюк ва буюк шаҳар бу!

Истиқлол йилларида Тошкент дунёнинг мана-ман деган шаҳарлари билан бемалол бўйлашадиган, осмонўпар бинолари, жаҳон шаҳарсозлигининг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этган йирик иншоотлари билан ҳар қандай нозик дидли меҳмонни ҳам лол қолдирадиган, сўлим боғ ва хиёбонлари кўнгилга ором бағишлайдиган, тароватли масканга айланди. Бугун Тошкентимизга дунё талпиняпти. Пойтахтимизга кўпчиликнинг ҳаваси келяпти. Бу ерга келиш, уни ўз кўзи билан кўриш иштиёқида юрганлар озми...

Куни-кеча касбдошларимиз билан пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуини яна бир бор зиёрат қилдик. Бу ердан яқиндагина — баҳорнинг илк кунларида ўтганимизда, қудратли бульдозерлар тинимсиз ишлаётганига гувоҳ бўлган эдик. Орадан ўтган шу қисқа давр ичида жуда ҳам гўзал, жуда ҳам улуғвор, мўъжизавий бир мажмуа барпо бўлибдики, беихтиёр ушбу қурилишнинг асосий ташаббускори, мустақиллигимиз меъмори Президентимизнинг бебаҳо қадриятларимизга бўлган юксак эътибори ва халқимизнинг бунёдкорлик санъатига яна бир бор тан бердик. Бу обиданинг тикланиши мустақиллик йилларида улуғвор ўтмишимизга, миллий урф-одатларимизга кўрсатиб келинаётган эътибор ва ғамхўрликнинг мантиқий давомидир. Зеро, Тошкентимизнинг нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан Ислом маданияти пойтахти, деб эътироф этилганлиги ҳам бежиз эмас!

Бундай қурилишлар, бундай бунёдкорликлар юртимизнинг ҳар бир олис-яқин туманларида давом этмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимиз шаҳар-қишлоқларида асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бир-биридан гўзал муҳташам коллежлар, лицейлар, мактаблар қурилиб фойдаланишга топширилди. Қишлоқларда қад ростлаётган қўшма корхоналар, савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, замонавий гузарлар ҳеч бир жиҳатдан шаҳардагидан асло қолишмайди.

Сўнгги йилларда эришилган энг катта ютуқлардан яна бири, бу — одамлар онгида, дунёқарашида юз берган ўзгаришлардир. Бугун ер, мулк ўзининг ҳақиқий соҳибига хатлаб берилди. Минглаб омилкор фермерлар ҳалол меҳнати, яратувчилик фазилатлари билан юртимиз равнақи, халқимиз дастурхонининг тўкинлиги йўлида хизмат қилишмоқда.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикаси ва бир қатор вилоятларда бўлганларида фермерлик ҳаракатига, уларнинг меҳнатига юксак баҳо берганлари ҳам бежиз эмас. Мустақиллик қалдирғочлари дея эътироф этилган фермерлар бугун, том маънода, мамлакатимиз иқтисодининг таянч тоғларига айланишган.

Олдинги ҳафтада юртимиз узра яна бир ажойиб хушхабар қанот қоқди. Мамлакатимиз ғаллакорлари шартнома мажбуриятларини бажариб, Президентимизнинг табрик мактубини олишга муяссар бўлдилар. Бу йил мамлакатимизда биринчи марта 6 миллион 250 минг тонна бошоқли дон етиштирилди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил Андижон вилоятида 60 центнерни, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида 50 центнердан зиёдни, республикамиз бўйича эса 48 центнерни ташкил этди. Энг қувончлиси, етиштирилган мўл ҳосилнинг 100 фоизи фермер хўжаликлари ҳисобига тўғри келди. Фермерларнинг аксарияти шартномани уддалаб, ортиқча етиштирилган 20-30, баъзилари эса 50-60 тонна донни шахсий омборларига тўкишди. Андижон ва Фарғона вилоятларида янги мулкдорлар илк бора шартнома мажбуриятларини ошириб адо этиб, фермерликнинг йўли ойдин эканлигини амалда исботладилар. Замин ўзининг эгасини топганлиги, одамлар онгида мулкка, ерга эгалик туйғуси шаклланганлиги ана шу ютуқларга сабаб бўлди.

Озод юртимизда истиқлол йилларида инсон, унинг манфаатлари биринчи ўринга қўйиладиган бўлди. Олий Мажлис Сенатида, Қонунчилик палатасида инсон ва унинг манфаатлари, шаъни, қадр-қиммати билан боғлиқ бир-биридан зарур қонунлар кўриб чиқилиб, улар ҳаётда ўз ифодасини топаётир. Баъзи давлатларда юз йилларда эришилган беқиёс натижаларни биз қисқа давр ичида қўлга киритдик. Жумладан, Йўлбошчимиз раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар бутун дунёда эътироф этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши жаҳонда кечаётган илғор демократик жараёнларга мос бўлиб, мамлакатимиз конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсорпарварлик тамойилини ўзида тўла акс эттиради. Бу эса юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалдаги яна бир ифодасидир. Бугунги кунда дунёнинг ўлим жазоси бекор қилинган 122 мамлакати қаторига Ўзбекистон ҳам қўшилди.

Айни кунларда юртимизда қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик, водий гавҳари — Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйларига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ҳар иккала шаҳар ҳам бу саналарга сулув келинчак янглиғ очилиб, янада гўзаллашиб, ўзгача тароват касб этган ҳолда пешвоз чиқмоқда.

Ўтган давр мобайнида қўлга киритилган ютуқлар, эришилган муваффақиятлар юртдошларимизни қанчалик қувонтирса, амалга ошириладжак режалар уларни яна ҳам ғайрат-шижоат билан ишлашга чорлайди. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг бўлиб ўтган мажлисида мамлакатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган 2007 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича биринчи ярим йилликда кўрилган чора-тадбирлар иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори сифатларини, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг изчил ривожланишини таъминлаганлиги қайд этилди. Рақамларга эътибор беринг: ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 9,7 фоизни ташкил этди. Шу жумладан, саноат ишлаб чиқариш ҳажми — 11,6 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш — 19 фоиз, қурилиш ишлари — 20,5 фоиз, чакана савдо айланмаси — 16,8 фоиз, пулли хизматлар — 25,1 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 5,5 фоизга ўсди. Маҳсулот экспорти 39 фоизга ошди. Унинг асосий қисмини — 70 фоизини хом ашё бўлмаган экспорт ташкил этади.

Энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги тобора яқинлашиб келмоқда. Барча жойда тўй тараддуди, тўйга тўёна билан бориш иштиёқи ҳукмрон. Ўзининг буюк келажаги сари дадил одимлаётган мамлакатимиз юрагининг залворли жарангини, унинг қон томирларидаги жунбушни, эмин-эркин нафас олишини эшитяпсизми, биродар!

> *Мустақиллик аркасидаги беозор лайлаклар ва турналарга бир қаранг. Улар Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг ойдин ниятларини, юртимиздаги улкан ўзгаришлар, эврилишларни бутун дунёга кўз-кўз қилиш учун учишга чоғланаётганга ўхшайди! Шу топда уларнинг дадил қанот қоқиб, кўкка парвоз қилишига шубҳа қилмайсиз. Зотан, эзгуликнинг қаноти бор, деб бекорга айтишмаган. Парвозга шайланган лайлаклар эзгуликка йўғрилган орзу-умидлар тимсолидир!*



**Ўткир РАҲМАТ.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

томонидан 283 мингдан ортиқ иш кўриб чиқилди. Тамомланган ишларнинг 98 фоизи бўйича даъво қаноатлантирилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида барча суд инстанцияларида кўрилган ишларнинг сифати яхшиланди. Агар 2006 йилнинг биринчи ярмида 0,7 фоиз суд қарорлари бекор қилинган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 0,5 фоизни ташкил этмоқда.

Жиноят ишлари бўйича судларнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланди. Жорий йилда 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан айрим жиноят турлари, жумладан, безорилик, ўғирлик, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш бўйича судланиш камайди.

Раёсат йиғилишида жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ўз самарасини бераётгани қайд этилди. Хусусан, ярашув институтини қўллаш натижасида жорий йилнинг олти ойида 5 минг 551 нафар шахс судланишдан асраб қолинди. Мазкур институт амалиётга жорий қилингандан буён судлар томонидан қарийб 60 минг нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Бундан ташқари, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жорий йилнинг июлига қадар жиноят оқибатида етказилган 40 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарар қопланганлиги сабабли 9 минг 443 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Йиғилишда Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар ҳар бир судья зиммасига катта масъулият юклаши таъкидланди. Бу борада кадрларни тайёрлаш ва ягона суд амалиётини шакллантириш механизмини барпо этиш борасидаги чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Тадбирда судья ва суд ходимларининг масъулиятини янада ошириш, уларнинг касб маҳорати ва малакасини юксалтириш борасида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Унда одил судловни амалга оширишда, адолатни қарор топтиришда қонуний ва адолатли суд қарорларини таъминлаш суднинг обрў-эътиборини оширадиган, аҳолининг унга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим омил эканлиги таъкидланди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# СУВ ТАЪМИНОТИ ЛОЙИҲАСИ

**Анжуман**

***Тоза ичимлик суви масаласи дунёнинг кўпгина минтақалари учун муаммо бўлиб турибди. Чунончи, сув таъминотининг яхши йўлга қўйилмаганлиги оқибатида диарея каби касалликлар кўпайиб бормоқда. Ушбу хасталик ер юзида кунига 5 мингдан зиёд гўдакнинг умрига зомин бўлаётир.***

Бу ҳақда Европа Иттифоқининг Ҳамкорлик дастури экспертлари ҳамда Халқаро ривожланиш агентлиги мутахассислари иштирокида пойтахтимизда бўлиб ўтган конференцияда маълум қилинди.

Таъкидландики, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳолининг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг ичимлик суви таъминотини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда уларнинг 65 фоизидан зиёди ичимлик суви билан таъминланган бўлса, 2012 йилга бориб бу неъматдан қишлоқ аҳли қарийб тўлиқ баҳраманд бўлади. Мазкур жараёнда мамлакатимизда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган лойиҳаларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Осиё Тараққиёт банки иштирокида яна бир лойиҳа иш бошлади. "Сув билан таъминлаш ва санитария" деб аталувчи бу лойиҳа Жиззах ҳамда Сурхондарё вилоятларининг туман марказлари ва чекка ҳудудларидаги 52 та қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, санитария хизматларини йўлга қўйишга қаратилган.

Лойиҳанинг умумий қиймати 31 миллион АҚШ доллари миқдорида бўлиб, шунинг 6 миллион АҚШ доллари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, қолган қисми эса Осиё Тараққиёт банки томонидан молиялаштирилади. Мутасаддиларнинг айтишича, лойиҳа якунлангач, 341 минг киши тоза ичимлик суви билан таъминланади.

**Саид РАҲМОНОВ.**

# АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ЖАМИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўқув давомида Ўзбекистонда АКТни ривожлантириш жараёнлари, ахборот тизимини давлат бошқарувида қўллашнинг турли жиҳатлари, ушбу соҳанинг қонунчилик базаси, Интернетдан фойдаланиш имкониятлари, электрон ҳукуматни ривожлантириш борасида жаҳон тажрибаси, уни республикамизда жорий этиш масалалари атрофлича муҳокама этилади.

Экспертларнинг фикрича, электрон инқилоб жамият ҳаётида туб ўзгаришларни юзага келтириши лозим. Бугунги кунда Интернет ахборот манбаларидан бирига айланди ва бу тармоқ одамлар фаолиятининг барча жабҳаларига аста-секин кириб келаётганини кузатиш мумкин. Электрон ҳукуматнинг моҳияти ҳукумат фаолиятини Интернетга ўтказиш, яъни Интернет ва бошқа ахборот тармоқлари орқали давлат бошқарувини ташкил этиш ҳамда фуқаролар билан ҳамжиҳатлик қилишдан иборат. Бундан кўзланган мақсад эса иш самарадорлигини оширишдир.

Бунга ахборот узатиш ва молиявий оқимлар жараёнининг реал вақт тартибида амалга оширилиши ҳисобидан харажатларни камайтириш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш орқали эришилади. Фуқаролар жаҳон ахборот тармоғи орқали солиқ тўлаши, турли маълумотномаларни олиши ва уларни монитор экранидан принтерда чиқариши, турли лицензия ва ижтимоий имтиёзларни расмийлаштириши, турмуш қуриш, ташкилот, автотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш бўйича ариза бериши ва ҳаттоки, сайловда овоз бериши мумкин.

Электрон ҳукумат концепцияси Интернет орқали жисмоний ва юридик шахсларга давлат томонидан кўрсатиладиган деярли барча хизматларни тақдим этишни кўзда тутади.

Сирдарё вилоятида электрон ҳукуматни жорий этиш бўйича тажриба лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳада давлат бошқаруви ва ҳокимияти органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминловчи яхлит тизимни, "Сирдарё вилояти портали"ни ташкил этиш, электрон ҳужжат айланишини жорий этиш ва маҳаллий ҳокимият тузилмаларининг фуқаролар, бизнес-тузилмалар билан яқин ҳамкорлигига ёрдам берадиган бошқа тадбирлар кўзда тутилган.

Тренинг тингловчилари амалий машғулотларда қатор давлат ташкилотлари ва хусусий тузилмаларда электрон ҳужжат айланиши, электрон рақамли имзо, электрон соғлиқни сақлаш тизимларини қўллаш, банк ва солиқ соҳаларида АКТдан фойдаланиш тажрибаси, ахборот ресурслари хавфсизлиги ҳамда уларни сақлаш услублари билан танишади.

Тингловчилар қизиқишининг юқорилиги ва уларнинг машғулотларда фаол иштирок этаётгани бундай тадбирлар ахборот технологияларини оммалаштиришга ижобий таъсир кўрсатиши, давлат муассасаларида турли ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш учун қулай муҳит яратишини яққол тасдиқлаб турибди.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

